

Ҳар бир инсоннинг ўз шайтони бор!



02:04 / 30.10.2018 6974

Савол: Шайтон инсоннинг туғилиши билан унга боғланиб қолиши ва ҳар бир инсон ўз шайтони билан туғилиши ростми?

Жавоб: Шайтон инсонларнинг туғилишидан бошлабоқ уларнинг юрагини эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаётимизнинг исталган пайтида тўғри йўлдан оздирадиган ҳар биримизнинг душманамиз борлиги тўғрисидаги ҳаммаси қандайдир бир огоҳлантириш, эслатма ҳисобланади.

Шайтон инсонга туғилиши заҳоти тегинади, бу ҳақда ҳадисларда ҳам айтилади.

1) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадикки, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагини эшитганлар: “Одам атонинг бирон бир ўғли йўққи унинг туғилишида шайтон тегинмаган бўлсин. Янги туғилган чақалоқнинг йиғиси унга шайтон тегинганидан юз беради. Фақат Марьям ва унинг ўғли бундан мустасно ҳисобланишади”.

2) Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Сизларнинг бирон бирингиз йўқдирки, ёнингизда инсонни ташлаб кетмайдиган фаришта ва шайтонингиз бўлмаса”. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашди: “Шу жумладан сизни ҳамми, эй, Аллоҳнинг элчиси?”. “Шу жумладан мени ҳам, – деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам, – бироқ Алллоҳ менга ёрдам берди ва нафс менга “итоат қилди”. Энди у менга эзгу нарсадан бўлак бирон бир нарсани буюрмапти” (Муслим, «Мунофиқун», 69, 2814).

Шайтон инсонни болалигиданоқ йўлдан оздиради, аммо бунга болалар айбдор эмас. Улар бунга жавоб беришмайди. Инсон болалигиданоқ уни катта ҳаётда кутиб турган синовларга тайёргарлик кўради ва бу ишда болалар учун ёрдамчи уларнинг ота-оналари саналади, улар насиҳат қилишлари ва ажойиб динимиз арконларини ўргатишлари лозим. Бундан ташқари, ҳар биримиз малъун шайтоннинг макридан ҳимоя қилинишимиз учун самимий дуога эҳтиёж сезамиз. Ердаги инсоннинг ҳаёти бу – синов, Аллоҳ таолонинг ўзи бизга бу йўлни муносиб босиб ўтишимизга ёрдам айласин!

Islom.uz портали таҳририяти